

Тазкия дарслари (65-дарс). Ислом илм дини



17:11 / 01.01.2020 5119

(биринчи мақола)

Ислом илм дини эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Исломни ўрганиш учун ҳам илмга уриниш лозим. Барча исломий илмлар шу мақсадга хизмат қилади. Жумладан, биз баҳс қилиб турган мавзу учун ҳам илм энг муҳим омил эканини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Шу билан бирга, воқелигимиздан келиб чиқиб, минг афсуслар ила таъкидламоқчимизки, кўпчилигимиз илмга керакли масъулият билан қарай олмаймиз. Хусусан, диний таълимотларни ўрганишга бўлган эътиборимиз жуда ҳам ночор ҳолда. Кўпчилигимиз диний тушунчаларни ўзлаштириш учун тайёр турган китобни ўқишга ҳам дангасалик қиламиз.

Келгуси сатрларда ёритилажак илм ҳақидаги нарсалар кўпчилик учун илмга туртки бўлар, деган умиддамиз.

Мавзуни илмнинг луғатдаги маъноси билан танишишдан бошлайлик.

«Илм» сўзи араб тилида бир нарсанинг бошқасидан ажратиб турадиган белгиси маъносини англатади. Бинобарин, илм таълим ўрганувчининг кўп такрорлаши сабабли унинг шахсиятига таъсир ўтказувчи омил эканини билиб оламиз.

Луғат илмининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган Ибн Манзур: «Илм жоҳилликнинг акси бўлиб, у бир нарсанинг бошқалардан ажралиб турувчи белгисини билиб олишдир», деган.

Илмнинг истилоҳий маъноси қуйидагича:

Журжоний ўзининг «Таърифот»ида: «Илм воқеликка мувофиқ бўлган жазмли эътиқоддир», деган.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Илм бир нарсани худди ўзидек идрок қилишдир».

Илм ва унга боғлиқ маъноларни ифода этган ояти карималарнинг сони уч юз етмиш тўққизтадир. Биз ушбу ўринда уларнинг баъзиларинигина келтириб ўтамиз.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

الْعُلَمَاءُ عِبَادِهِ مِنَ اللَّهِ يَخْشَىٰ إِنَّمَا

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» (28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, махлуқотлардан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни топган ва Ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

يَعْلَمُونَ لَا وَالَّذِينَ يَعْلَمُونَ الَّذِينَ يَسْتَوِي هَلْ

«Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?» (9-оят).

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиладилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён қиладилар.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

﴿الْعَالِمُونَ إِلَّا يَعْقِلُهَا وَمَالِ النَّاسِ نَضْرِبُهَا الْأَمْتِلُ وَإِنَّكَ

«Ушбу мисолларни Биз одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар» (43-оят).

Бу борадаги ҳадиси шарифларнинг адади жуда ҳам кўп. Биз намуна сифатида фақат бир нечтасини келтираимиз.

هُلِّلِ الْبُرْجِ نَمٌ «: لَأَقْمَلِسُو هِيَلَعِلِلْ صِيْبِنَلِلْ عِنْعِنْعُ هَلِلْ اِيضَرَ رَعِيْوَاعُمْنَ ع
هُمَّ اَلْاَوَدَهْ لَأَزْتَنْو، يَطْعُيْ هَلِلْ اَوْمَسَاقِ اِنْمَانِو، نِيْدِلْ اِيْفُ هُوَقْفُيْ اَرِيْخِ ه
هُمَّ اَلْاَوْر. «: هَلِلْ اَرْمَأِيْ تَأِيْ يَّتَحْمُ هَفَلْ اَخْنَمُ هُرُضِيْ اَلْهَلِلْ اَرْمَأِيْ لَعَهْمُ اَق

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, мен тақсимловчиман, холос. Аллоҳ беради.

Модомики бу уммат Аллоҳнинг иши (қиёмат) келгунича Аллоҳнинг амрида қоим бўлар экан, уларга хилоф қилганлар зарар етказа олмайди», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Дин таълимотларини яхши тушуниш банда учун катта бахт-саодат бўлиб, бу ҳолат Аллоҳ таоло унга яхшиликни ирода қилганига далолат қилади. Демак, диний илмни бандага Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларининг давомида:

«Албатта, мен тақсимловчиман, холос. Аллоҳ беради», демоқдалар.

Яъни «Мен Аллоҳ таоло берган илмни етказаман, холос. Ҳақиқий илм берувчи Аллоҳ таолонинг Ўзидир».

كَلَسْ نَمٌ «: لَأَقْمَلِسُو هِيَلَعِلِلْ صِيْبِنَلِلْ عِنْعِنْعُ هَلِلْ اِيضَرَ رَعِيْوَاعُمْنَ اَبْأ
يْفُ مَّوَقَعَمَّ حِجَامُو، نَجَلْ اِيْلْ اَقِيْرَطِ هُو هَلِلْ اَلْسْ اَمْلَعِ هِيْفُ سَمْتَلِيْ اَقِيْرَطِ
مُهَيْلَعِ تَلَزَنُ اَلْمُهَنْبُ هُنْ وُسْرَادَتِيْ وَ هَلِلْ اَبَاتِكَنْ وُلْتِيْ هَلِلْ اَتُوْبُنْمُ تِيْب

هُوَ الَّذِي يُعَلِّمُ الْكَلِمَ الْمُحْسِنَةَ وَالَّذِينَ يُحْسِنُونَ كَلِمَاتِهِمْ يُذَكِّرُونَ. ﴿١٠٤﴾

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилса, уни ўзаро ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакина тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

(Давоми бор)

«Руҳий тарбия» китобидан